



CHARACTERISTICS OF DYNAMIC ANALYSIS OF THE EXCHANGE RATE

Boltayev To'liqin Qo'ziyevich¹

¹ Senior Lecturer, Tashkent Financial Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4934698>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2021

Accepted: 05th June 2021

Online: 10th June 2021

KEY WORDS

exchange rate system,
exchange rate, exchange
rate dynamics, dynamic
analysis, dynamics
indicators, exchange
rate forecast,
extrapolation,
interpolation.

ABSTRACT

The article deals with the issues of statistical analysis of the exchange rate, as well as the dynamic analysis of the national exchange rate.

ВАЛЮТА КУРСИНИ ДИНАМИК ТАҲЛИЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Болтаев Тўлқин Қўзиёвич¹

¹Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-iyun 2021

Ma'qullandi: 05-iyun2021

Chop etildi: 10-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

валюта тизими, валюта
курси, валюта курси
динамикаси, динамик
таҳлил, динамика
кўрсаткичлари, валюта
курси прогнози,
экстраполяция,
интерполяция.

ANNOTATSIYA

Мақолада валюта курсини статистик таҳлил қилиш масалари кўриб чиқилган, шунингдек миллий валюта курсини динамик таҳлили ўрганилган.

Ҳаётдаги барча ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Бу ўзгаришларни аниқлашнинг кенг тарқалган усули динамик таҳлилдир.

Бунда валюта курсинининг бирор бир даврдаги динамика қатори тузилади ва уни таҳлил қилиш орқали валюта курсларининг ўзгаришига баҳо берилади. Динамика қаторини таҳлил



қилишда турли хил кўрсаткичларни аниқлаш, таҳлилнинг элементар ва мураккаб усуллари қўлланилиши мумкин [1].

Валюта курси динамикаси таҳлили ёрдамида қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Валюта курси ўзгаришини баҳоловчи динамика қаторлари кўрсаткичларини базисли, занжирсимон усулда аниқлаш ҳамда уларнинг ўзгариши ўртача даражасига баҳо бериш;
2. Валюта курси ўзгариши йўналишини таҳлил қилиш;
3. Валюта курсини прогнозлаш.

1-жадвал

Динамик таҳлил асосида валюта курсини прогнозлаш икки йўналишда олиб борилади:

- валюта курси даражаси орқали тузилган динамик қаторни алоҳида тўплам сифатида қабул қилиб прогнозлаш;
- Валюта курси даражаси таъсир этувчи факторларни ҳисобга олган ҳолда валюта курсини прогнозлаш.

Валюта курсларини ўзгаришини таҳлил қилувчи асосий кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади (1-жадвал):

Динамика кўрсаткичларининг ҳисобланиши¹

Кўрсаткичлар номи	Базисли усулда	Занжирсимон усулда	Изоҳ
1. Мутлақ қўшимча ўсиш	$\Delta Y_i = Y_i - Y_0$	$\Delta Y_i = Y_i - Y_{i-1}$	Бу ерда: $\Delta Y_i^{баз} = \sum \Delta Y_i^{занж}$
2. Ўсиш суръати Ўсиш коэффициенти	$R_i = \frac{Y_i}{Y_0} \cdot 100\%$ $K_i = \frac{Y_i}{Y_0}$	$R_i = \frac{Y_i}{Y_{i-1}} \cdot 100\%$ $K_i = \frac{Y_i}{Y_{i-1}}$	Бу ерда: $K_i^{баз} = \prod K_i^{занж}$
3. Қўшимча ўсиш суръати	$\Delta R_i = \frac{\Delta Y_i}{Y_0} \cdot 100\%$ ёки $\Delta R_i = R_i - 100\%$	$\Delta R_i = \frac{\Delta Y_i}{Y_{i-1}} \cdot 100\%$ ёки $\Delta R_i = R_i - 100\%$	

¹Манба: Болтаев Т., Урунов Р., Статистика назариясидан практикum, ўқув қўлланма. Тошкент “Молия-иқтисод”, 2006 йил.



4. 1% қўшимча ўсишнинг мутлақ моҳияти	-	$A_i = \frac{\Delta Y_i}{\Delta R_{i-1}} \cdot 100\%$ <p>ёки</p> $A_i = \frac{Y_{i-1}}{100\%}$	
---------------------------------------	---	--	--

Валюта курслари даражаси динамикасини ўрганишда ўртача кўрсаткичлар ҳам қўлланилади: ўртача валюта курси; валюта курсини ўртача мутлоқ қўшимча ўсиши; валюта курсини ўртача ўсиш сурати; валюта курсини ўртача қўшимча ўсиш сурати.

Динамик таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ҳодисаларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш. Тенденцияни аниқлаш ва баҳолаш учун динамика қаторлари қуйидаги усулларда қайта ишланади: оралиқларни кенгайтириш; сирғанчиқ ўртачаларни ҳисоблаш; аналитик текислаш.

Валюта курси динамикасини ўрганиш мамлакат иқтисодий ҳолати, валюта сиёсати, пул муомиласи, миллий валюта барқарорлигини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Валюта курсининг динамикасини таҳлил қилишда динамика кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур бўлган валюта курс даражаларини аниқлаш лозим [2].

Валюта курсини прогнозлашда динамик таҳлилдан фойдаланиш учун қандай курсни прогноз қилишимиз зарур ва бунда динамик қатор учун қайси курсни ҳамда қандай даврларни олиш керак деган саволлар вужудга келади.

Илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги валюта курсларини динамика қатор даражаси сифатида таҳлил қилиш мумкин эканлигини аниқланган:

1. Расмий давлат курси. Расмий давлат курсининг ўзгаришини таҳлил қилиш натижасида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, макроиқтисодий кўрсаткичлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг йўналишини баҳолаш мумкин.

2. Банкларнинг валютани сотиб олиш, сотиш ва сотиб олиш ҳамда сотиш орасидаги ўртача курс. Бунда банкларнинг сотиш ва сотиб олиш курслар орасидаги фарқларни, юқоридаги курсларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш ва бу орқали банк валюта фаолиятдан олган даромадини ва бошқа операцияларини ўрганиш мумкин. Шунингдек бу курсларнинг динамикаси орқали келгусидаги валюта операциялари учун тахминий валюта курсларини прогнозлаш мумкин.

3. Тўлов қобилияти паритети асосида ҳисобланган реал курс.

4. Валюта операция турлари бўйича белгиланган курслар, яъни спот, форвард ва бошқа курслар.

5. Валюталар савати асосида ҳисобланган сунъий валюта курси, яъни бир нечта мамлакат валютасига нисбатан курслар ва бу мамлакатлар билан амалга ошириладиган савдо



улуши асосида ҳисобланадиган курс. У куйидагича ҳисобланади: Сунъий валюта курси=сумма (валюта курси*салмоқ).

Динамик таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ҳодисаларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш. Тенденцияни аниқлаш ва баҳолаш учун динамика қаторлари куйидаги усулларда қайта ишланади:

1. Оралиқларни кенгайтириш
2. Сирғанчиқ ўртачаларни ҳисоблаш
3. Аналитик текислаш

Оралиқларни кенгайтириш усулида даврлар сони камайтирилиб янги ҳосил қилинган даражалар ёрдамида ҳодисаларнинг ривожланиши яққолроқ намоён бўлади.

Сирғанчиқ ўртачаларни ҳисоблаш усулида кетма-кет келган даражаларнинг бир нечтаси тартиб билан олиниб улар учун ўртача арифметик миқдор аниқланади. Бу ўртача кетма-кет келган даражаларнинг ўртасидаги даврга мослаштрилиб янги динамика қатори тузилади. Сирғанчиқ ўртачалар асосан уч йиллик ва беш йиллик даврлар учун ҳисобланади.

Аналитик текислаш усулида тренд қаторнинг аналитик модели ҳосил қилинади. Бу усулда вақт бўйича ўзгарадиган функционал тенглама ҳосил қилинади. Аналитик текислашда функция куйидагича бўлиши мумкин: тўғри чизиқли, парабола, гиперболо ва бошқалар [3].

Валюта курси динамикасини ўрганиш мамлакат иқтисодий ҳолати, валюта сиёсати, пул муомиласи, миллий

валюта барқарорлигини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Валюта курсининг динамикасини таҳлил қилишда динамика кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур бўлган валюта курс даражаларини аниқлаш лозим.

Валюта курсини прогнозлашда динамик таҳлилдан фойдаланиш учун қандай курсни прогноз қилишимиз зарур ва бунда динамик қатор учун қайси курсни ҳамда қандай даврларни олиш керак деган саволлар вужудга келади.

Ҳозирги кунда АҚШ доллари ва еврохалқаро иқтисодий муносабатларда юқори мавқейга эга бўлган валюталардан бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли кўпгина мамлакатлар ўз валюталарини АҚШ доллари ва еврога нисбатан курсини тадқиқ қилишади.

Шу ўринда биз ҳам илмий тадқиқотимизда мамлакатимиз иқтисодиёти ва валюта бозори учун муҳим ҳисобланган миллий валютаимизнинг АҚШ долларига нисбатан расмий курсининг таҳлилива прогнозини кўриб чиқишни маъқул кўрдик.

Ўзбекистон миллий валютаси “сўм” нинг муомалага киритиш вақтида, яъни 1 июль 1994 йилда курси 1 АҚШ доллари 7 сўмни ташкил қилган, ҳозирги кунда, яъни 1 январь 2021 йилда 10 476,92 сўмни ташкил қилди. Бу даврда доллар курси тахминан 1500 бараварга ошган.



1-жадвал

Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсини²

1995-2014 йиллардаги ўзгариши

Сана	Валюта курси, Сум/ доллари	АҚШ Олдинги йилга нисбатан ўсиш сурати (коэф.да)	Бошланғич даврга нисбатан ўсиш сурати (коэф.да)
01.01.1995	25,00	-	-
01.01.1996	35,50	1,42	1,42
01.01.1997	55,00	1,55	2,20
01.01.1998	80,17	1,46	3,21
01.01.1999	110,00	1,37	4,40
01.01.2000	140,00	1,27	5,60
01.01.2001	325,00	2,32	13,00
01.01.2002	688,00	2,12	27,52
01.01.2003	970,00	1,41	38,80
01.01.2004	980,00	1,01	39,20
01.01.2005	1058,00	1,08	42,32
01.01.2006	1180,00	1,12	47,20
01.01.2007	1240,00	1,05	49,60
01.01.2008	1290,00	1,04	51,60
01.01.2009	1393,00	1,08	55,72
01.01.2010	1511,40	1,08	60,46
01.01.2011	1640,00	1,09	65,60
01.01.2012	1795,00	1,09	71,80

²Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



01.01.2013	1985,46	1,11	79,42
01.01.2014	2202,20	1,11	88,09
01.01.2015	2422,4	1,10	96,90
01.01.2016	2809,98	1,16	112,40
01.01.2017	3231,48	1,15	129,26
01.01.2018	8120,07	2,51	324,80
01.01.2019	8339,55	1,03	333,58
01.01.2020	9507,56	1,14	380,30
01.01.2021	10476,92	1,10	419,08
Ўрт.йиллик		1,261	

Юқоридаги жадвалдан миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси ўзгаришини 1995-2021 йиллар учун ўзгаришини кўрадиган бўлсак, бу даврда (26 йилда) курс даражаси 419 марта, ёки ўртача йилига 1,261 марта (26,1%га) ошган. Охириги 3 йилда ўртача 8,9 % атрофида курс ўзгарган.

2020 йилдаги валюта курсининг динамика кўрсаткичларини ойлар бўйича қуйида кўриб чиқамиз. Агар вақт сифатида 2020 йилнинг ойлари ва қатор даражаси сифатида Ўзбекистон миллий валютасининг АҚШ долларига нисбатан расмий курсини ой охиридаги даражасини олсак 2-жадвалдаги натижаларга эга бўламиз.

2-жадвал

2010 йилдаги сўмнинг АҚШ долларига нисбатан расмий курсини³ (ўртача ойлик) динамика кўрсаткичлари

Ойлар	Валюта курси, сўм	Қўшимча мутлақ ўсиш, сўм		Ўсиш сурати, %		Қўшимча ўсиш сурати, %		1% қўшимча ўсишнинг мутлақ моҳияти, сўм
		Базис	Занж.	Базис	Занж.	базис	Занж.	

³Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



01.01.2013	9507,56	-	-					-
01.02.2013	9563,33	55,77	55,77	100,6%	100,6%	0,6%	0,6%	95,08
01.03.2013	9526,28	18,72	-37,05	100,2%	99,6%	0,2%	-0,4%	95,63
01.04.2013	9554,22	46,66	27,94	100,5%	100,3%	0,5%	0,3%	95,26
01.05.2013	10130	622,44	575,78	106,5%	106,0%	6,5%	6,0%	95,54
01.06.2013	10139,3	631,74	9,30	106,6%	100,1%	6,6%	0,1%	101,30
01.07.2013	10173,38	665,82	34,08	107,0%	100,3%	7,0%	0,3%	101,39
01.08.2013	10207,69	700,13	34,31	107,4%	100,3%	7,4%	0,3%	101,73
01.09.2013	10262,87	755,31	55,18	107,9%	100,5%	7,9%	0,5%	102,08
01.10.2013	10321,21	813,65	58,34	108,6%	100,6%	8,6%	0,6%	102,63
01.11.2013	10359,88	852,32	38,67	109,0%	100,4%	9,0%	0,4%	103,21
01.12.2013	10414,86	907,30	54,98	109,5%	100,5%	9,5%	0,5%	103,60
01.01.2014	10476,92	969,36	62,06	110,2%	100,6%	10,2%	0,6%	104,15
Ўртача	10053,77	80,78		100,81		0,81		99,44

2-жадвал маълумотларидан кўриняптики 2020 йилда Ўзбекистон миллий валютасининг АҚШ долларига нисбатан расмий курси бир йилда 969,36 сўмга, ўртача ойига эса 80,78 сўмга

ошган. Агар буни фоизда ифодаласак, валюта курси йил давомида 10,2% га, ўртача ойига эса 0,81% га ўзгарган. Бу албатта валюта ислоҳотидаги Ўзбекистоннинг муваффиқияти деб айтишимиз мумкин.



Алоҳида даврлар, яъни деволвациялар амалга оширилган даврлар учун ҳам динамика кўрсаткичларини ва валюта курси билан инфляция даражаси кўрсаткичлари орасидаги боғланишни аниқлаш мумкин. Бу деволвациялар валюта курсини барқарорлигини ва шу орқали ташқи иқтисодий муносабатларни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир [4].

Динамик таҳлил асосида валюта курси ўзгаришини, унинг ўзгариш сабабларини ўрганишимиз мумкин. Шунингдек динамик таҳлил асосида

тренд моделларини тузиб унинг асосида валюта курси прогнозини амалга ошириш мумкин. Бу прогнозларнинг моҳиятли бўлиши моделларда қўлланиладиган функциялар ҳамда модел тузиладиган даврларни тўғри танлашга боғлиқ.

Прогнозлашни бошқа валюталар курсига, масалан, евро ва Россия рублига нисбатан ҳам аниқлаш мумкин. Ҳозирги кунда Евро ва Россия рубли ҳам Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга.

Foydalanilgan adabiyotlar:

[1] Расулов, Т. С. (2018). ВАЛЮТА КУРСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ ВА ЭКСПОРТИГА ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (8).

[2] Расулов, Т. С. (2018). ВАЛЮТА КУРСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ ВА ЭКСПОРТИГА ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (8).

[3] Юсупов, М. (2019). Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари. Архив научных исследований.

[4] Болтаев, Т. К. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВАЛЮТНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Universum: экономика и юриспруденция, (4), 9-12.